Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

OZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 25 июль, сешанба. №89 (21.852.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси давлат вазири, ташқи ишлар вазири ўринбосари Шэфер Хелмутни қабул қилди.

Президент меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Германия алоқалари кенг кўламда муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ҳамкорликни мустаҳкамлашда Германиянинг «Мерседес Бенц», «Сименс», «Алкател» каби фирма ва компаниялари, шунингдек, Конрад Аденаур жамғармаси муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Германияни узоқ муддатли ҳамкор деб билишини қайд этди.

Жаноб Шэфер Хелмут самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорчилик билдирар экан, Германия Ўзбекистон билан алоқаларни янада тараққий эттириш тарафдори эканини айтди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



Суратда: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Греция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кириакос Родусакис 24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ишонч ёрлиғини топширар экан, мамлакатининг Ўзбекистондаги илк элчиси сифатида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожига муносиб ҳисса қўшишни ўзига шараф деб билишини айтди.

Ўзбекистон раҳбари элчини масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш халқларимиз хоҳиш-иродасига мос бўлиб тушишини таъкидлади, элчининг фаолияти ана шу эзгу ишни амалга ошириш сари йўналтирилажагига ишонч билдирди.

(ЎзА).

Миннатдорлик мактуби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ушбу мактуб орқали куни кеча биродар мамлакатингизга буюрган расмий ташрифимиз давомида делегациямизга кўрсатилган илиқ меҳмондўстлик ва самимий қабул учун ўз миннатдорлигимни изҳор этаман. Фавқулодда бандлигингизга қарамасдан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилганимизда ҳамроҳлик қилганингиз ва ташриф дастуримизнинг ҳар бир тадбирига шахсан эътибор кўрсатганингиздан бағоят таъсирландик. Хусусан, машҳур ўзбек санъаткорлари ижросидаги покистонча қўшиқ ва рақслардан биз жуда мамнун бўлдик. Бу ҳол мамлакатларимиз ўртасида умумий маданий мерос мавжудлигини яна бир бор кўрсатди.

Ташриф давомида Сиз, жаноби олийлари билан ўтказган суҳбатларимиз самарали ва фойдали бўлди. Улар икки биродар мамлакат ўртасида ҳамфикрлик яратиши ҳамда Ўзбекистон ва Покистон халқлари билан ҳукуматларининг биродарлик риштaларини янада мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилишига шак-шубҳам йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, жаноби олийларини Покистонга ташриф буюришга яна бир бор таклиф этаман. Минтақавий масалалар ҳамда икки томонлама алоқаларимизни олға силжитиш мақсадида ташрифингизнинг тез кунларда амалга ошишига умид қиламан.

Жаноби олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Эҳтиром ила,

Беназир БХУТТО,
Покистон Ислом Республикаси
Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИ

ВИКТОР СТЕПАНОВИЧ ЧЕРНОМИРДИН

1938 йил 9 апрелда Оренбург вилояти Саракташ туманининг Чёрний Отрог қишлоғида туғилган.

Куйбишев политехника институтини, Бутуниттифоқ сиртқи политехника институтини муҳандис-технолог ва муҳандис-иқтисодчи ихтисослари бўйича тугатган. Техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1957 йилда бошлаган. Оренбург вилоятидаги Орск нефтни қайта ишлаш заводида чилангар, машинист бўлиб ишлаган, Совет Армияси сафида хизмат қилган.

1960—1962 йиллар — Орск нефтни қайта ишлаш заводида машинист, оператор.

1962—1966 йиллар — Куйбишев политехника институтида таҳсил олган.

1966—1967 йиллар — Орск нефтни қайта ишлаш заводида технология қурилмаси бошлиғи.

1967 — 1969 йиллар — КПСС Орск шаҳар қўмитаси инструктори.

1969 — 1973 йиллар — КПСС Орск шаҳар қўмитаси саноат-транспорт бўлими мудири ўринбосари, бўлим мудири.

1973—1978 йиллар — Оренбург газни қайта ишлаш заводида бош муҳандис ўринбосари, директор.

1978 — 1982 йиллар — КПСС Марказий Қўмитаси оғир саноат бўлими инструктори.

1982 — 1983 йиллар — СССР Газ саноати вазирининг ўринбосари.

1983 — 1985 йиллар — СССР Газ саноати вазири ўринбосари, Тюмень вилоятида газ қазиб олиш бўйича Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси (Тюменгазпром) бошлиғи.

1985 — 1989 йиллар — СССР Газ саноат вазири.

1989 — 1992 йиллар — «Газпром» давлат газ концерни бошқаруви раиси.

1992 йил май ойидан декабрь ойига қадар — Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ёнилғи-энергетика мажмуи бўйича ўринбосари.

1992 йил декабридан — Россия Федерацияси Вазирлар Кенгаши Раиси.

1993 йилдан — Россия Федерацияси ҳукумати Раиси.

Уйланган, икки ўғли бор.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
матбуот хизмати.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

— Мустақиллик байрами қурилиш, юртимизни ободонлаштириш борасидаги ишларимизнинг ўзига хос намойишига айланмоқда, — деди И. Жўрабеков. — Бу йил ҳам байрамга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Тошкентдаги «Диснейленд»нинг ишга тушиши, пойтахт эски шаҳар қисми гўзал қиёфага кириши, янги қурилаётган бозорлар, хиёбонлар, йўл ва кўприклар шулар жумласидандир. Вилоятларда ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳар бир ватандошимиз қалбида шукуҳ уйғотиши табиийдир.

Мажлис иштирокчилари мустақиллик байрами муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтадиган халқ сайллари, маданий тадбирлар ва уларни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган вазифаларни муҳокама қилди. Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов байрам арафасида Тошкент шаҳрида фойдаланишга топшириладиган қурилиш иншоотлари ва байрам тантаналари ўтадиган асосий саҳналар қурилишининг якунлари тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, ташкилий масалалар юзасидан республика маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев ва Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, М. Усмонов, Р. Юнусов иштирок этди.

(ЎзА).

ПУЛ МУОМАЛАСИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

22 июль куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қошидаги пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосарлари, бир қанча вазирлик ва идораларнинг, шунингдек республика тижорат банкларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Мажлисда пул муомаласининг ҳолати ва Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарорларининг қандай бажарилаётгани, республика халқ хўжалиги тармоқларида ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Комиссия пул муомаласи ва тўлов интизоми соҳасида айниқса Қорақалпоғистонда, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида жиддий камчиликлар мавжудлигини қайд этди.

Тўлов интизомининг пастлиги, айрим тармоқларда қарзларнинг тўпланиб қолгани пул муомаласининг ҳолатига салбий таъсир қилаётгани таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

24 июль куни Тошкентда Индонезия Республикаси савдо вазири С. Б. Жоедоно раҳбарлигидаги Индонезия ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда республикамиз тадбиркорларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда республика Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқалар ривожланиб бораётганини таъкидлади. Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, юртимизнинг табиий заҳираларга бойлиги хориж сармояларини Ўзбекистонга жалб қилиш имкониятини бераётганини қайд этди.

Жаноб С. Б. Жоедоно Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги ҳамкорлик истиқболига катта умид билдирар экан, ўз юрти ишбилармонлари енгил саноат, сайёҳлик, қурилиш, озиқ-овқат саноати, нефть ва газни қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ниятида эканини айтди.

Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари анжуманда иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар.

Мажлисда Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил иштирок этди.

(ЎзА).

Хусусийлаштириш: илк тажриба

КИМОШДИДА СОТИБ ОЛДИ

Қарийб мингта қорамол боқаётган Н. Боймуродов номли жамоа хўжалигига (Жарқўрғон тумани) чорванинг юки малол келгандай бўлиб қолди: ҳали ем йўқ, ҳали хашак тайёрлайдиган машинага эҳтиёт қисм... Бу томонда иқтисодчининг ҳисоб-китобларидан шамол эсиб қолган — фойдадан дарак йўқ.

Хўжалик бошқаруви чайналиб ўтирмади — туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда қорамолни 14 гуруҳга ажратиб, кимошди савдосига тайёрлади. Буни қарангки, юзталаб сигирни сотиб оламан, деб кимнинг кўзи учиб ўтирипти, деганларнинг шубҳалари ўринсиз экани билиниб қолди. Тўғри, бозор унча чаққон кечгани йўқ. Лекин, айримларнинг, масалан, бўрдоқичилик фермасининг мудири бўлиб ишлаб келаётган Қарши Нормуродовнинг 180 молни кўтарасига сотиб олгани бу ерда одамлар ислоҳотлардан қўрқяпти, деган миш-мишларни пучакка чиқарди-қўйди.

Бу биринчи савдода ҳар қалай чорва мудирларининг юраги «катта»лиги кўзга ташланди: қўйчилик фермасининг мудири Абдулла Қурбонов зиён кўрмасман, деган ишонч билан 33 сигирни сотиб олди. Хуллас, биз юқорида эслатган 14 гуруҳнинг 4 таси бозордан «ўтди».

Молни сотиб олганларга жамоа хўжалигининг асосий воситалари ижарага бериладиган бўлди.

— Тўхта Шобуров номли, «Оққўрғон» жамоа хўжаликларида ҳам чорвани кимошди савдосига тайёрлаяпмиз, — дейди туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси А. Раҳмонов.

Қуйидан ташаббус, дадиллик қанча кучайса, ислоҳотларнинг бориши шунчалик равонлашишига шубҳамиз йўқ.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Қулайлик

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

• АНДИЖОН (мухбиримиздан). Шаҳар марказида замонавий супермаркет дўкони очилди.

Марказий универсал магазини биносининг биринчи қаватида салкам минг квадрат метрли савдо майдони жиҳозланди. Пештахталар турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилди. Бу ерда бўрсилдоқ нонлардан тортиб, сабзавот, ҳўл мева, қовун-тарвуз, салқин ичимликлар, сут ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қилинмоқда. Маҳсулотлар тури бир ярим мингдан ошиб кетди. Харидорлар билан хорижий дўконлардагидек муомала қилишга ҳаракат қилинмоқда. Муҳими, харидор кутиб қолмайди. «Хизмат кўрсатишнинг замонавий усулидан фойдаланиб, — дейди «Андижонсавдо» концерни раиси А. Аюпов, — бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш намунали бўлишига эришамиз.

Аҳмадулло СОЛИЕВ.

Савдо

БОБОДЕҲҚОН САХОВАТИ

• ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Урганчдаги 4-микрорайонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил қилинди.

Деҳқону соҳибкорлар етиштирган маҳсулотларни шаҳарликларга етказиш мақсадида уюштирилган бу ярмаркада кўрсатилаётган хизматдан кўпчилик мамнун. Муҳими, ноз-неъматларни кўплаб келтирилиши деҳқон бозорида нарх-навонинг пасайишига имкон бермоқда. Бундай ярмаркалар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳар марказларида ҳам очилмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Савобли ишлар

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

• ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Китоблик Турсунпўлат Жалиловни кўпчилик яхши билади.

Фаоллардан ҳисобланган Турсунпўлат ота узоқ йиллар «Ғалаба» рўзномаси ва босмахонага бошчилик қилган. Нафақага чиққандан кейин ҳам тинчимади. Кўчат етиштириш билан шуғулланди. Матбуот тарихига оид маълумотлар тўплади. Умрининг охиригача ноширнинг, журналист ва маҳалладошларининг яқин маслаҳатчиси бўлди. Туман босмахонаси жамоаси яқинда хайрли ишга қўл урди. Марҳум журналистнинг умр йўлдоши Н. Жалилованинг ҳолидан хабар олиб, уйи таъмирлаб бериладиган бўлди. Корхона ҳисобидан аяга ойига 200 сўмдан ёрдам пули ажратилди.

Юнус УЗОҚОВ.

Фахрийлар ҳаёти

ОТАХОНЛАР ҒАЙРАТИ

• ФАРҒОНА. Водий отахонлари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамиша иззат-икромда.

Фарғона вилоятида 213 мингта яқин фахрий бўлиб, уларнинг 10 минг 630 нафари уруш қатнашчиси. Вилоят фахрийлари ҳамон деҳқончилик, чорвачилик каби фойдали меҳнат билан баҳоли қудрат шуғулланадилар. Хусусан, бу йил 6 миллион тупдан кўпроқ терак қаламчалари, 873 минг туп мевали дарахт, узум ва манзарали ниҳоллар ўтқазишда кекса фахрийлар ғайрат кўрсатган эдилар. Шу кунларда отахонлар кўчатларни саратон сувига қондирмоқдалар.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ. Осиё давлатлари билан энергетика соҳасида ҳамкорлик порлоқ истиқболга эга. Ҳиндистон пойтахтида энергетика заҳираларидан фойдаланишда ҳамкорлик қилиш юзасидан ўтказилган халқаро конференция иштирокчилари ана шундай хулосага келдилар. Анжуманда Марказий Осиё республикалари, Арманистон, Грузия, Озарбойжон, Россия, Эрон, Туркия, Япония, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмасига аъзо бўлган мамлакатлардан вакиллар қатнашди. Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Салмон Хуршид анжуманда Осиё мамлакатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ривожида замонавий транспорт тармоқларини яратиш энг муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтди.

МУЗОКАРАЛАР НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

ГРОЗНИЙ. Россия Федерал ҳукумати билан Чеченистон Президенти Ж. Дудаев тарафдорлари ўртасидаги музокаралар ниҳоясига етай деб қолди. Дастлаб ҳарбий масалалар юзасидан бир битимга келган делегациялар шу кунларда сиёсий масалалар мажмуи юзасидан ҳам баённома имзолаш ниятидалар. Россия делегацияси вакили Аркадий Вольский музокаралар сешанба куни ниҳоясига етишини таъкидлади. Шуни инобатга оладиган бўлсак, сиёсий масалалар юзасидан қабул қилинадиган битим ҳам яқин кунларда имзоланиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ЯПОНИЯДА ЯНА ЕР СИЛКИНДИ

ТОКИО. Мамлакатнинг Кинки туманида Рихтер ўлчови бўйича 4,2 балл куч билан ер силкинди. Шу йилнинг 17 январь куни бу ерда рўй берган зилзила 5502 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлган эди. Япония метеорология маркази хабарига қараганда, 24 июль куни рўй берган зилзила маркази Осака вилоятида жойлашган. Зилзила келтирган вайронагарлик ва қурбонлар сони ҳозирча маълум эмас.

МОЖАРОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА

БОКУ. Озарбойжон Австриянинг Баден шаҳрида Арманистон — Озарбойжон можаросини ҳал этиш юзасидан ўтказилаётган музокараларнинг навбатдаги босқичида иштирок этишга тайёр. Мамлакат Президенти Ҳайдар Алиев Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Тоғли Қорабоғ бўйича Минск конференцияси ҳамраислари В. Лозинский ва Х. Талвитие билан учрашув чоғида шуни маълум қилди. ЕХҲТнинг Россия ва финляндиялик вакиллари бунгача Ереванда ва Хонкендида (Степанакерт) бўлиб, Арманистон томони билан сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказган эди.

ОГОҲЛАНТИРУВЧИ МАКТУБ

ПАРИЖ. Буюк Британия, АҚШ, Франция ҳукуматлари вакиллари ўтган якшанба куни Босния серблари раҳбарларига расмий огоҳлантириш акс эттан мактубни етказдилар. Унда Сербия томонининг Боснядаги «хавфсизлик минтақаларига» ҳужумларига бундан буён чидаб бўлмаслиги, «агар Горажда қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланса, уларнинг қароргоҳларига нисбатан ҳаводан кучли зарбалар берилиши» қайд этилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан

ҚУВОНЧ ҲАМ, ТАШВИШ ҲАМ ЎРТАДА

Бухоро тумани ҳокими, ХДП аъзоси Элмурод ШОМУРОДОВ билан суҳбат

Аввало суҳбатдошимиз ҳақида. Элмурод Шомуродов 1944 йилда туғилган, Тошкент политехника институтида ва Тошкент иқтисодиёт университетини тугатган. Меҳнат фаолиятини оддий колхозчиликдан бошлаган. Усмон Юсупов номидаги жамоа хўжалигида табелчи, бригадир. «Аму-Бухоромашинаканалқурилиш» трестининг ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ўқитувчи, директор ўринбосари, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба уюшмаси Бухоро тумани қўмитаси раиси, Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари-партия ташкилоти котиби, бошқарув раиси бўлиб ишлаган. 1992 йилдан буён эса Бухоро тумани ҳокими бўлиб ишлаб келяпти. Оилали, 3 фарзанднинг отаси.

— Суҳбатимиз улуғ айём — Ўзбекистонимиз истиқлолининг тўрт йиллиги байрами арафаси кунларига тўғри келади. Айтинг-чи, мустақиллик туманингизда ўз аксини қандай топаётир?

— Мамлакатимизда бўлгани каби туманимизда ҳам мустақиллик туфайли катта ўзгаришлар юз берди. Мустақилликкача шундоққина ёнгинамизда порлаб турган табиий газдан халқимиз бебаҳра эди. Ҳатто етмиш йилда эришмаган ниятларга истиқлолнинг икки-уч йилида эришдик. Шу боисдан ҳам истиқлолнинг ҳар бир куни мамлакатимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиляпти.

Эндиликда туманимиз иқтисодиёти бақувватлашиб боряпти, халқнинг турмуш шароити тобора яхшиланяпти. 157 та қишлоқ, туман маркази тўлиқ газлаштирилди. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш йўлида катта ишлар қиляпмиз. Қурилиш-ободончилик соҳасида мисли кўрилмаган тадбирлар амалга ошириляпти. Халқимизнинг уй-жой, томорқа ерига бўлган эҳтиёжи қондириляпти. Ана шуларнинг ҳаммаси истиқлол шарофати, мустақиллик берган саодат эмасми, ахир.

— Ҳокимлик лавозимидаги илк фаолиятингиз ҳам мустақиллик йилларига тўғри келган. Янги шароитда, янгича услубда ишлаш анча қийин кечгандир?

— Очиғини айтганда, ҳа, анча қийин бўлди. Сабаби илгариги тузум таъсиридан қутулиш осон эмасди. Маъмурий буйруқбозликнинг умри қисқалигини айримлар тушуниб етмайдилар. Мансабни мартаба деб ўйлаган ўнлаб раҳбарлар билан очиқчасига гаплашиб олдик. Шундан сўнг улар билан хайрлашдик. Ғайратли, билимдон ёшлар ҳисобига раҳбарлик тизимини бойитдик. Мана учинчи йилдирки, жамоа хўжаликлари, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг аксарият раҳбарлари халқнинг ташвишига ҳам, қувончига ҳам ҳамма вақт шерик. Улус ғами билан нафас оладиган раҳбар-кадрларимиз борлиги учун ҳам туманимиз вилоятда ўз ўрнини топди.

Бундай дейишимга тўла асос бор. Чунки, ўтган йил мобайнида туманда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кескин ошди, чорвачиликда эришаётган ютуқларимиз чакки эмас. Экин майдонлари қисқарган бўлса-да, ҳосилдорлик камайгани йўқ. Ҳар гектар ердан туманда 35 центнердан пахта олинмоқда. «Ўзбекистон», «Маданият» жамоа хўжаликларида бу кўрсаткич 42-45 центнерни ташкил этяпти. Дон, пилла етиштириш салмоғи ҳам ошиб боряпти.

Айниқса, дон мустақиллигига эришиш борасида ҳам дадил ҳаракат қиляпмиз. Бу йил 4460 гектар майдонга дон эккандик. Бу бултургига қараганда икки баравар кўп. Ана шу майдондан 11 минг тоннага яқин дон йиғиштириб олдик. Давлатга эса 800 тоннага яқин ғалла сотдик. «Ўрта Осиё», Ф. Аллаев номли, «Маданият» жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик 30-32 центнерга етганки, бу имконият борлигидан далолат беради.

Энди деҳқоннинг эрки қўлида, унинг насибасига ўзгалар шерик бўлмайди, омбори ғаллага тўляпти, айвони остида моли бор. Бундай имкониятларга иқтисодий ислоҳотлар эвазига эришиляпти.

— Иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сўз очдингиз. Туманда бу борадаги ютуқлар ҳақида гапирсангиз.

— Ҳамма соҳада мулкчилик шаклини ўзгартириш, мулкни ўз эгасига топшириш қандай самара беришини амалда тушуниб етдик. Мавжуд 21 та чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Шунинг ҳисобига чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришдик.

Бундан ташқари, туманимизда якка деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этиш ҳаракати вилоятда биринчилардан бўлиб бизда бошланди. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 495 та якка деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатяпти. Шундан 108 таси чорвачилик, 377 таси боғ-чорбоғ, 10 таси бошқа йўналишда иш юритяпти. Қаровсиз боғ-роғларга қайта ҳаёт бағишланди. Ердан бир неча марта ҳосил олиш имконияти туғилди. Меҳнаткашларимиз дастурхони мева, сабзавот, картошкага тўляпти.

— Ҳамма хусусийлашган фермалар ҳам самара беряптими?

— Йўқ, албатта. Ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришда сезиларли ўзгариш бўлмаётган ва зарар ҳисобига ишлаётган 3 та фермамиз бор. Буларни кимошди савдоси асосида хусусий мулк қилиб сотяпмиз. Бу У. Юсупов номли, «Ватан», А. Шокиров номли жамоа хўжаликларидаги фермалардир. Ҳозир уларнинг харидори бор.

— Гап хусусийлаштириш ҳақида бораркан, бошқа соҳаларга ҳам тўхталсангиз.

— Президентимиз ўқитувчилар, шифокорлар ҳақида ғамхўрлик қилиб улар яшаётган давлат уйларини хусусий мулк қилиб бериш тўғрисида илгарироқ Фармон чиқарган эди. Шунга мувофиқ, мингдан зиёд уй-жойлар эгаларига хусусий мулк қилиб берилди. Бундан ташқари, 22 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Шундан 5 таси шахсий, 7 таси жамоа мулки қилиб берилди ҳамда 10 таси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мулкка муносабатнинг яхши томонга ўзгаргани шуки, энди сеники-меники билан бирга ҳаммамизники деган тушунча пайдо бўлди. Бу эса истеъмол бозорини тўлдиришда муайян даражада қўл келяпти.

— Истеъмол бозорини тўлдиришда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш яхши самара беряптими?

— Бугун — тадбиркорликка кенг йўл очилган пайтда туманда ишсизлик муаммоси барҳам топади. Бозор серoблиги таъминланади десак муболаға бўлмас. Туманимизда мингдан зиёд тадбиркор мавжуд. Улар ихтиёрида 374 та кичик корхона бор. Шундан 7 таси қўшма корхона. Уларда 3 мингга яқин киши ишлайди. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари ҳажми ҳозирга келиб 7,5 миллион сўмликни ташкил этаётир.

Усмон Юсупов номидаги жамоа хўжалигида Италия билан ҳамкорликда «Чақмоқ» қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганига анча бўлди. Бу ерда йилига 316 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариляпти. «Ўрта Осиё» жамоа хўжалигида эса, Афғонистон билан ҳамкорликда «Самбар» қўшма корхонаси ишлаб турибди. Корхона ишлаб чиқараётган гилам, болалар кийим-кечаги, миллий сўзана, уст-бош либосларнинг харидори кўп. Қолган 5 та қўшма корхона Россия билан ҳамкорликда ташкил этилганки, улардан халқ манфаат кўряпти. Бундай корхоналар сонини яна ҳам кўпайтириш ниятидамиз.

— Хориждан ўрганиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида нималар қилиняпти?

— Бундан икки йил муқаддам Францияда бўлиб қайтгандим. Франция саноат корхоналари, фермер хўжаликлари, кооперативларида ишнинг қандай ташкил этилганлиги, фарангларнинг турмуш тарзи билан танишдик. Ўшанда биз мулкка бўлган муносабатни кўриб лол қолгандик. Ҳамма нарсанинг эгаси бор. Ҳатто автомобиль йўлларининг ҳам хўжайини бор. Йўлдан ўтганингиз учун пул тўлайсиз, шахсий мулк-да. Ҳар бир киши меҳр билан ишлайди. Сабаби, ундан катта манфаат кўради. Манфаатсиз ишга асло қўл урмайди.

Мана, аста-секинлик билан бўлса-да, бизда ҳам ишимиз изга тушяпти. Тенг шерикчилик асосида қўшма корхоналар юзага келди. Фермерлик ҳаракатида тажрибамиз ошиб бормоқда, ишчи ўринлар яратиляпти.

Туман халқ хўжалигида 35 минг киши фаолият кўрсатаётир. Шундан қишлоқ хўжалигида 13 минг киши банд. Бу жуда кўп. Қишлоққа саноатни олиб кириш эвазига бу миқдорни камайтириб боряпмиз. Йиллар давомида қишлоқларимиз хом ашё базаси бўлиб келгани сир эмас. Эндиликда ҳамкорлик туфайли етиштирилаётган маҳсулотларимизни қайта ишлайдиган кичик корхоналарга эгамиз. Хизмат кўрсатаётган тармоқлар кенгайиб боряпти. Бу эса қишлоқларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий равнақига кенг йўл очди.

— Мустақиллик байрами арафасида қандай уй-ташвишлар билан бандсиз?

— Байрамгача туманда газлаштиришни ниҳоясига етказмоқчимиз. «Дўстлик» жамоа хўжалигида 462 ўринли янги мактабни фойдаланишга топширамиз. 12 та кичик корхона, 20 га яқин савдо дўконини ишга туширамиз. Аҳолига уй-жой қуриш учун ер берилган. Мавжуд имконият билан уй-жой қуриб бўлмайди. 13 та ғишт заводи маҳсулоти билан иш битмайди, ёғоч керак. 11 та мактаб қурилиши эса чала, соғлом авлод учун хизмат қиладиган манбалардан бири — ҳаммом қурилишини олдинги режага олишимиз даркор. Аҳоли сони йил сайин ошиб боряпти, ер камаймоқда. Шундан келиб чиқиб, 4-5 минг гектар янги ер очишимиз керак. Яқин келажакдаги режаларимиз эса бунга қўшимча. Иқтисодий ислоҳотлар мақсадимизга эришишимизга, албатта, йўл очиб беради.

Суҳбатдош:
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

"Хўжалик моллари"
республика акционерлик бирлашмаси
чет элда ишлаб чиқарилган:

386 — ДХ 2 — 40/4/420
486 — ДХ 2 — 66/4/420 SVGA
486 — ДХ 2 — 66/8/540 SVGA
ALC 486 — ДХ 2 — 80/4/420
EPSON — ЛХ — 1050 ва бошқа маркалардаги
компьютер техникаларини ҳамда хориждан
келтирилган ёзув-чизув ва канцелярия
молларининг кўп турларини

САВДОГА ТАҚДИМ ЭТАДИ.

Тўловларни исталган шаклда
амалга ошириш мумкин.

Манзилимиз: 700091, Тошкент, "Янгиобод" даҳаси,
Толариқ кўчаси, 24
Телефонлар: 97-09-91, 96-25-60, Факс: 97-34-85

Автобуслар: N: 23, 26, 30, 119, "Янгиобод" шохбекати.

„Биз ким, мулки Турон“...

БАТАФСИЛ ТАҲЛИЛ

Қозоғистон конституциявий суди республикадаги янги Конституция лойиҳасини батафсил таҳлил этиб, у инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини бир қадар чеклайди, деган фикрга келди. Унда ҳокимиятни тақсимлаш ҳамда Президент бошқаруви ҳақидаги моддаларда ноаниқликлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, суд ушбу Конституция лойиҳасига ҳозир амалда булган Конституцияга нисбатан нодемократик, деб баҳо берди.

ҲУКУМАТ МАБЛАҒ АЖРАТАДИ

Қозоғистон ҳукумати илгари чет давлатларга доимий яшаш учун ўз хоҳиши билан чиқиб кетган, лекин ҳозирда мамлакатга қайтиб келаётган фуқароларнинг сонини қисқартиришни бошлади. Президент Нурсултон Назарбоев имзолаган Фармонга биноан, жорий йилда ана шундай оилаларнинг фақат 5 мингтасини уй-жой ва иш билан қайта таъминлаш учун ҳукумат томонидан маблағ ажратилади.

Бу ишларни ташкил этиш учун республика Вазирлар Маҳкамаси 250 миллион танга сарфлайди.

ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

Тожикистон ҳукумати ва мухолифат вакиллари ўртасида Алматида ўтган тўртинчи босқич музокаралари ижобий натижалар бера бошлади. Маълумки, музокараларда эришилган энг муҳим келишув — тожикистонлик қочқинларни тезроқ ўз она тупроғига қайтариш эди.

Тожикистон меҳнат вазири Шукуржон Зуҳуровнинг таъкидлашича, республика ҳукумати жорий йилда қочқинлар масаласини бутунлай ҳал этиш устида иш олиб бораяпти. БМТнинг Тожикистондаги миссияси доимий кузатувчилари берган маълумотга қараганда, 1993-1995 йилларда 40 минг қочқин Афғонистондан она Ватанига қайтиб келган.

Тожикистон расмий делегацияси айни кунларда мухолифат билан келишувга мувофиқ Афғонистондаги қочқинлар сонини аниқлаш учун Қундуз ва Тоҳар тўда вилоятларига жўнашга ҳозирлик кўрмоқда.

ТУРКМАНИСТОННИНГ ШАХМАТ МАЛИКАСИ

Бугунги кунда Туркманистонда Меҳри Овезовани танимайдиган одам бўлмаса керак. Чунки у саккиз ёшида шахмат ўйнашни бошлаган эди. Халқаро миқёсдаги спорт устаси. Туркманистоннинг олти карра чемпиони.

Меҳри айни пайтда йирик мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг нияти — Туркманистон аёлларидан биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига эришиш.

Меҳри Овезова Тошкентда ўтказиладиган йилнинг энг йирик анжумани—биринчи Марказий Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Тошкентга келди. Унинг нияти бу мусобақаларда ғолиб чиқиб, Туркманистон спорт шарафини юқори поғоналарга кўтаришдир.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Иқтисодиёт ва транспорт

ИНТИЗОМ, ТАРТИБ ВА САЛОҲИЯТ



Тошкент вилоятининг мамлакатимиздаги ҳам ҳудудий, ҳам иқтисодий ўрни улкан эканлигини ҳисобга олсак, «Тошвилоятйўловчитранс» концернининг «Ўзавтотранс» давлат ҳиссадорлик корпорацияси бирлашмалари орасидаги салоҳияти ва фаолият доираси ҳам равшанлашади. Зеро, мазкур концерн эришаётган натижалар муносиб меҳнат, фидокорлик самаралари экани ҳам рост. Дарҳақиқат, «Тошвилоятйўловчитранс» кунига 800 минг йўловчига беминнат хизмат қилмоқда. Бу «Ўзавтотранс» корпорацияси иш режасининг 19,4 фоизига тенг. Концерн таркибида 17 та автобус саройи бўлиб, жамоа бугунги кунда бешта йирик саноат шаҳри, ўн бешта туман аҳолисининг узоғини яқин қиляпти.

Йўловчилар эҳтиёжлари эса кундан-кун ошиб, ишлар кўлами кенгайиб боряпти. Шу боис концернда бу эҳтиёж ва талаблар аввало мезон сифатида қабул қилинса, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, маданиятини юксалтириш ҳам кун тартибидаги масала.

Келинг, азиз муштарий, очиғини айтайлик. Кўпинча сизу бизнинг автобуслардаги аҳволдан кўнглимиз ранжийди. Баъзан улар ҳаракатининг тартибсизлиги, одамларнинг тиқилинч автобусларда бир ҳолда кетишлари, ўз вақтида юрмаган автобусларнинг йўлда кўп тўхтайвериб йўловчилар асабига тегиши, ҳайдовчилардаги учрайдиган муомаладаги қўполликлар... Булардан кўз юмиб бўлмайди. Қарангки, концернда бу борадаги камчиликларни тузатиш устида яхшигина тажриба бор. Айтиш керак, буниси бошқалар ибрат олса арзигулик.

Концерн бошқаруви раиси Каҳрамон Сидиқназаровнинг хизмат хонасидамиз. Унинг иқтисодий масалалар бўйича муовини Владимир Де охирги рейд вақтида ёзиб олинган тасвирни видео магнитафонга қўяди. Мана, ўша биз айтган аҳвол. Автобуснинг ҳолати, йўловчиларнинг камчиликлар ҳақидаги холис фикрлари, йўловчи ташиш корхоналарининг аҳволи, хизмат кўрсатиш маданияти...

— Ҳар ойда бир нечта автокорхона ишлари бўйича ана шундай видеорейдлар уюштирамиз, - дейди Қаҳрамон Мелибоевич. - Олиб келинган лавҳалар эса концерн раҳбарлари йиғилишида муҳокама қилинади. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, директорнинг раҳбариятга айтадиган баҳонаси, олиб қочадиган ортиқча гапига ўрин қолмайди. Мана, камчилик. У кўз ўнгингизда. Бу рейдлар вақтида нафақат автобуслар текширилади, балки биз маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, мактаб ва боғчалар, умуман, ўша ҳудудлаги жамоат ташкилотларига ҳам борамиз. Хўш, сизга бизнинг жамоаларимиз қандай хизмат қиляпти, бизга қандай таклифларингиз, эътирозларингиз бор? Ва айтилган истаклар, мулоҳаза ва эътирозлар мунтазам ўрганиб борилади, чоралар кўрилиб, маълум тадбирлар ўтказилади. Бундан ташқари автосаройлар директорлари ўринбосарларини ҳам текширишларга жалб қиляпмиз. Улар бошқа-бошқа туман автосаройлари ишини текшириб, ойлик ҳисобот йиғилишларида ўз хулосалари билан қатнашадилар. Умуман, бу чора-тадбирлар ўзимизга танқидий қарашимиз, ишимизнинг қай даражада эканлиги ҳақида тўлиқ хулосалар чиқаришимизга ёрдам беради. Дарвоқе, самаралари ҳам қувончли.

Булар жамоанинг камчиликлар устида олиб бораётган тадбирлари. Ютуқларнинг бир омили ўзи шунда. Концерн жамоасининг иш тартибидаги ўзига хосликлар шу тадбирларнинг самараси булса ажабмас. Аҳоли эҳтиёжлари ўрганилиб, 156 та шаҳар атрофига қатновчи йўналишлар иш тартиби қайта кўриб чиқилди. «РАФ-2203» русумли микроавтобуслар хос сабабларга кўра, ўз харажатларига монанд равишда ва мунтазам ҳаракатини таъминлаш мақсадида Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳар йўналишларига бириктирилди. Йўловчилар оқими катта бўлган муайян соатларда уларга намунали хизмат кўрсатиш мақсадида ташкилот ва корхоналар тасарруфидаги автобуслардан буюртмалар асосида фойдаланиш, қисқа йўналишларда, жумладан, Зангиота, Қибрай, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманлари марказидан шаҳар транспорти нуқталари, метро бекатларига қатновлар жорий этилди. Автобошбекат ва автошоҳбекатларда ҳар бир рейснинг жўнаш мунтазамлиги текширилмоқда, қайд этиб борилмоқда. Шаҳарлараро йўналишларнинг қисқариши ҳисобига шаҳар атрофида қатновчи автобуслар сони кўпайтириляпти. Эскирган бинолар таъмири ва янги иншоотлар қурилиши борасида ҳам режалар ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда «Бахт», «Бурчмулла», «Чорвоқ» автобошбекатлари қурилиб ишга туширилди. «Чирчиқ», «Тўйтепа», «Оққўрғон», «Ангрен», «Қўрғонча» автобошбекатлари жорий таъмирдан чиқарилди. Хизмат маданиятини ошириш борасида автошоҳбекатларда компьютерларда ишлашга ўтилмоқда...

Концерн бошқаруви раиси билан қисқагина мулоқотимиз эса ишлаб чиқариш режалари ва уларнинг бажарилиш хусусида бўлди. Дарвоқе, Қаҳрамон акани республикамизнинг автотранспорт тизимида танимайдиган одам кам. Қарийб 26 йилки, шу соҳала меҳнат қилади. Бир неча йиллар автомобиль транспорти вазирининг ўринбосари бўлиб ишлади. Бир сўз билан айтганда эса соҳанинг пасту баланди, оғиру енгилини яхши билади...

— Қаҳрамон Мелибоевич, концерннинг ўтган ойлардаги иш якунлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бизнинг асосий вазифамиз — йўловчиларни ўз вақтида манзилларига етказиш, узоғини яқин, оғирини енгил қилиш. Шу важдан биринчи кўрсаткичимиз ҳам йўловчи ташиш бўйича. Бу борадаги режаларимиз эса 110,6 фоизга бажарилди. Агар фойдани ҳисобласак, режадан ташқари 6555 минг сўмга яқин даромад олдик. Шаҳар атрофи ва шаҳар ичида йўловчи ташиш бўйича ҳам режалар ортиғи билан бажарилди.

Агар тўрт ойлик натижаларга келсак, ялпи даромад 107 фоизни ташкил этди. Яъни, 224600 минг сўм ўрнига 240384,1 минг сўм даромад олинди. Умуман олганда, биринчи чорак бўйича концернимиз 16658,8 минг сўм фойда билан чиқди.

— Концернда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ишлари қай аҳволда?

— Дарвоқе, бозорнинг талаби шу. Одам мулкка эгаман, деган туйғу билан меҳнат қилсагина астойдил тиришади, ишлаб чиқариш дастгоҳларини асраб-авайлади. Энди ўзимизга келсак, корпорациянинг 1994 йил декабрида чиқарилган 552-буйруғи билан жорий йил бошидан 8 автохўжалигимизни давлат тасарруфидан чиқара бошладик. Жумладан, март ойида Чирчиқ автосаройи, Чирчиқ автохўжалиги, Ангрен ва Бекобод автохўжаликлари Давлат мулки қўмитаси органларидан хусусийлаштириш учун рухсатномалар олишди. Энди ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилгач бу жамоаларнинг иш тартибларида ҳам ўзгаришлар бўлади. Мисол, биргина унинг раҳбариятини олайлик. Ҳиссадорлик жамиятининг сайланадиган бошқарув, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиялари энди мунтазам ойлик, чораклик, ярим ва бир ойлик ҳисобот йиғинларида молиявий фаолиятлари хусусида маълумотлар бериши зарур бўлади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ҳиссадор ишнинг равнақини, яъни келадиган фойдани, сифат ва миқдорни ўйлайдиган бўлади.

— Патталарнинг қимматлашиб кетганини очиғи, ҳамма ҳар хил қабул қилади...

— Бу тушунарли, албатта. Йўлкира нархлари ўз-ўзидан белгиланмаслигини ҳамюртларимиз тўғри тушунишларини истардим. Умуман, бунинг сабаблари ҳам ҳаммага аён бўлиши лозим. Бу нархлар мазкур хизматларга кетадиган харажатларга мутаносиб равишда шаклланади. Олайлик, ҳайдовчининг маоши, автотранспорт эҳтиёт қисмлари, автошина, амортизация харажатлари, ёқилғи ва яна бир қанча чиқимлар бизни ана шундай баҳолар белгилашимизни тақозо этяпти. Баъзан шаҳарларда қатнайдиган йўналишларда зарар билан ишлаб, бу зарарлар ўрнини шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўлишлардан тушаётган фойда ҳисобига тўлдиришга ҳам тўғри келяпти.

— Илғорлар ҳақида икки оғиз сўз...

— Зангиота автохўжалигидан шаҳарлараро қатновдаги автобус ҳайдовчиси Канагай Толғанбоев, Бекобод автохўжалиги ҳайдовчилари Абдулаким Жабборов, Эркин Абдураупов, Чирчиқ автохўжаликларидан Турабой Турсунбоев, Куранали Куранбоев ва яна бошқа ўнлаб ҳайдовчи-ю, чилангалар, қолаверса, муҳандислардан жуда мамнунмиз.

Автотранспорт соҳаси бугунги кунда электр энергияси, газ, ичимлик суви каби ҳаётимизнинг зарурий эҳтиёжига айланди. Шундай экан, бу жабҳада меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимиз зиммасида катта масъулият бор. Буни чуқур ҳис қилган, шарафли меҳнатидан фахр туйган Тошкент вилояти автотранспортчиларига ишингизга барака, йўлингизга ойдинлик ҳамроҳ бўлсин, деймиз...

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. «Тошвилоятйўловчитранс» концерни бошқаруви раиси Қаҳрамон Сидиқназаров. 2. Тошкент шаҳарлараро автосаройи саф бошлиғи Шомурод Зуннунов ва бригадир Валерий Осипов ҳайдовчилар билан. 3. «Тошкент» автобошбекати чиптахонасининг етакчи муҳандиси Алла Абдукаримова ва чипта сотувчи Жанна Мажидова иш устида.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

"ИГТИ"
акциядорлик жамияти
сабзавот ва хўлмеваларни муздек омборларда сақлаш масъулиятини ўз зиммасига олади, бу маҳсулотларни сотишда ёрдам беради ҳамда уларни бартер асосида етказиб беришни ташкил қилади.
Манзил:
Новосибирск шаҳри,
телефон: /3832/
66-18-30, 66-18-70.
факс: 46-52-59.

КИМЁ ҚАБОҲАТ ЭМАС...

Мулоҳаза

Халқимиз энг ноёб нарсаларни кимё деб атаган. Шу боисдан бўлса керак, биз фикр қилмоқчи фан ҳам кимё деб аталган. Негадир сўнгги пайтларда кимё ҳақида гап кетса, кўпчилик еру осмонимизни булғашга хизмат қилаётган соҳа деб, қарайдиган бўлиб қолинди.

Ҳозирги пайтда дунёда биргина қишлоқ хўжалигида ҳар йили 250 минг хил модда синаб кўрилади. Шулардан бор-йўғи ўн фоизи кенг кўламда қўлланишга тадбиқ қилинади. Тахминан, бир фоизи препаратив мақсадларда ишлатилади. Рақамларга нисбат берсак кўринадики, кенг қўлланиладиган моддалар синаб кўриладиганларининг ҳар 25 мингдан бири препаратив мақсадларни ташкил қилар экан.

Хўш, нега халқимиз кимёдан безмоқда. Сабаб битта: уларнинг аксарияти заҳарли. Оқибати турли касалликларга олиб келади. Бу табиий. Аммо яна савол туғилади. Шу кимёвий моддалар маълум қоидалар асосида қўлланиладими? Бирор одам ўғитми, дефолиантми, пестицидми... нималигидан қатъи назар меъёрсиз ишлатгани учун жазоланадими? Ҳозирча эшитганимиз йўқ.

Тўғри; кимёвий моддаларсиз халқ хўжалигимиз ривожланишини тасаввур қилиш қийин. Нега дейсизми? Сабаби кўп: биргина оила шароитида бўёқлар, тошойна, водопровод тизими, орасталик ашёлари, кир ювиш воситалари, ўқув қуроллари ва ҳоказолар ишлатилади. Оғиримизни енгил қилиб турган бундай кимёни қабоҳат уяси деб бўладими?!

Менимча, кимёнинг «заҳри қотил» бўлишига, уни халқ хўжалигида суъиистемол қилиниши сабаб. Кимёни лоқайдлик билан тасарруф этганимиз учун табиат бугун бизни жазолаяпти. Нима қилиниши керак, дейсизми? Маълумки, ҳар бир кимёвий препаратни техник нормалари бўлади ва йўриқнома билан қадоқланади. Ана шу кўрсатмаларга риоя қилинса, кўпгина салбий оқибатлар олди олинарди. Демак, кимёга муносабат катта билимдонликни ҳам тақозо этади.

Яқинда упа-элик фабрикасида бўлдим. Бундай корхона мамлакатимизда ягона экан. Бу ерда Франция технологиясидан фойдаланилмоқда. Афсуски, ишлатилаётган хом ашё мамлакатимиздан чиқмайди. Четдан ташиб келтирилади. Бильакс, бу муаммо ҳам ечимини кутмоқда.

Хулоса шуки, кимё халқ хўжалигимиз учун керакли ва қимматли маҳсулотлар етказиб берадиган соҳа. Ўйлайманки, кимёнинг саховат ва жавоҳирлар омили бўлиб қолишида олимларимиз изланаверадилар.

Абдуваҳоб ИКРОМ ЎҒЛИ,
кимё фанлари номзоди.

Тарих—сабоқ

ТУРКИСТОН ҲАҚИДА ТЎПЛАМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонасида кўплаб тадқиқотчилару, олимларнинг эътиборини ўзига тортадиган, халқаро тарихий аҳамиятга эга бўлган 594 томдан иборат «Туркистон тўплами» — («Туркестанский сборник») алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг 26 томи Москвадаги собиқ В. И. Ленин номли марказий кутубхонада сақланади. Жаҳоннинг бошқа бирорта кутубхонасида бундай тўплам йўқ. Бу эса унинг халқаро илмий аҳамиятини янада оширади.

Туркистон ўлкасининг ярим асрлик тарихини ўз ичига олган, 1867 йилда машҳур рус библиографи В. И. Межов томонидан тузила бошлаган мазкур тўпламга Ўрта Осиёнинг руслар томонидан босиб олиниш даври, ўлканинг ижтимоий-маданий ҳаёти билан бирга, унинг иқтисодий аҳволи, миллатлар ўртасидаги муносабатлар, ўлканинг иқлими, табиати, сув иншоотлари тўғрисида илмий мақола ва асарлар киритилган. Бироқ 1888 йилдан 1907 йилгача мажмуанинг тузилиши тўхтатилган. Шундан сўнг Октябрь инқилобига қадар Н. В. Дмитровский, Ю. Ф. Бонч-Осломский, А. А. Семенов, И. И. Гейер, И. П. Зиков сингари библиограф ва шарқшунос олимлар томонидан тўпламнинг қолган 175 томи тузилди.

594 томдан иборат бу мажмуада рус, инглиз, француз, испан, немис, итальян, лотин ва араб тилларида чиқарилган газета, журналлардан олинган илмий мақолалар, шу тиллардаги китоблар ҳам бор. Тўплам ўн мингдан зиёд мақола, асарлар асосида тузилган. У маҳаллий халқлар маданияти, улар ўртасидаги савдо алоқалари, этнографик очерклар, рус ва чет эл саёҳатчиларининг эсдаликлари, географик маълумотлар, археологик қазилмалар ва тарихий асарларни ўзида бирлаштирган. Илмий аҳамиятга эга бўлган бу тўпламдан фойдаланиш учун ҳозирги кунда ҳам собиқ совет республикалари, хорижий давлатлардан тадқиқотчилар, олимлар келишади. Чунки «Туркистон тўплами»да Ўрта Осиёдан ташқари Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Мўғулистон, Эрон ва бошқа Осиё давлатлари тўғрисидаги маълумотлар мавжудлиги унинг илмий аҳамиятини янада оширади. Шу боис тарихчилар, археологлар, этнографлар, географлар, геологлар, иқтисодчилар, адабиётчилар учун мазкур мажмуа қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Азамат ҚУРАҲМЕДОВ,
илмий ходим.

Ҳамкорлик

«ЛИМОНАРИЙ» ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ

Қибрай туманидааги «Лимонарий» қишин-ёзин эл дастурхонига турли ноз-неъматлар — лимон, помидор, бодринг ҳамда резавор етказиб беради. Айни пайтда мазали «Лаззат» ичимлиги ҳам шу ердан чиқарилаяпти. Бу хуштаъм ва шифобахш ичимлик асосан қовоқ ва лимон шарбатидан иборатдир. Шарбат эса «Ф— 2» ва «Яланғоч» навли ҳамда пишиб тўкилган, уринган лимонлардан қайта ишланиб олинади. Бу йил 300 тонна лимонни қайта ишлаш режалаштирилган. Бу — минг-минглаб шиша «Лаззат» ичимлиги демакдир.

Айни пайтда хўжаликда «Пектин» ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Яқин-яқинларда шарбати олинган лимонларнинг чиқиндиси — трупи ташлаб юборилarди. Энди эса у қайта ишланиб, қимматбаҳо хом ашё «Пектин» олинаяпти. Бундан фармацевтика заводларида инсон саломатлигига асқотадиган дори-дармонлар тайёрланади.

— Узбекистонда лимончиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган, суяги шу соҳада қотган отам Зайниддин ҳожи Фахриддинов доим менга «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган гапни такрорлайдилар, Шу нақлга амал қилсанг кам бўлмайсан деб уқтирадилар. Отамнинг насиҳатларига амал қилиб, «Дил амри» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаяпмиз, — дейди жамоа хўжалиги раиси Шамсиддин Фахриддинов. Бу фирма «Пектин» ишлаб чиқарадиган цехимизни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашмоқда. Ҳозир ишимиз юришиб кетди, фирмага 2 тоннадан зиёд «Пектин» етказиб берилди.

«Лимонарий» фақатгина лимон ва цитрус мевалари билангина эмас, балки бошқа қўшимча маҳсулотлари билан ҳам жаҳонга юз тутди.

Зиёд ЮНУСОВ.

Луқма

ЧОЙХОНАМИ ЁКИ... МАЙХОНА

Маҳаллада катта бўлганман. Шу боисми,ўзим сингари ёшларнинг улғайишида маҳалланинг таъсири нақадар улкан эканини яхши биламан. Аммо бугун маҳалла маркази бўлмиш чойхоналар қай аҳволда?

Аслида чойхона маҳалла аҳлини бир-бирига яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи маданий марказ вазифасини ўташи лозим. Бироқ кейинги пайтларда пойтахтимиздаги кўплаб чойхоналар бундай мавқеини йўқотиб қўйгандек. Жумладан, Юнусобод тумани ҳудудидаги чойхоналарга кириб ҳайрон қолдим. Бу ер чойхонами ёки майхона! Қатор супаларда 30-45 ёшлардаги эркаклар палов, димлама еб, ароқ ичиб ўтиришади. Улардан сал нарироқда эса кексалар... Аммо ҳеч ким ароқхўрларга индамайди. Ваҳолонки, чойхона тўрига катта ҳарфлар билан «Ичиш ман этилади» деб ёзиб қўйилган. Чойхоначидан «Бу ерда ароқ сотиш мумкин эмас-ку», деб сўраганимда у «Ҳозир ҳар ишни қилиш мумкин, тирикчилик-да» деб жавоб берди.

Ҳаммадан эътиборли тарафи илгари одамлар чойхонада ўзаро тўпланишиб бир пиёла чой устида латифалар, аскиялар айтишар, қизиқчилик қилишарди. Газета, журналлар ўқиб баҳслашишарди. Кечгача тинимсиз меҳнат қилган меҳнаткашларнинг бир-икки соатлик гурунгдан сўнг чарчоқлари чиқарди. Чойхоналар том маънодаги маданий марказ эди. Эндичи...

Келинг, ҳалиям кеч эмас, отабоболармиз изидан бориб, биз ҳам чойхоналаримизни гуллатайлик.

Бу ерда ажойиб аския, китобхонлик кечалари ўтказайлик. Бундай маданият марказида шаклланган, улғайган ёш авлод мустақил диёримиз равнақи йўлида ҳормай-толмай хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишиши шубҳасиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри.

Ҳалқ айтгани ҳақ чиқар

Уч дугона.

Шомурод ШАРОПОВ олган сурат.

Дил изҳори

АЖОЙИБ МАСКАН ЭКАН

Ҳурматли редакция! Мен республикамизнинг хушманзара, минг дардга даво берадиган масканлари ҳақида фикр билдирмоқчиман. Гузал Фарғона водийсидаги жумҳурият миқёсидаги уруш ва меҳнат фахрийларининг «Олтиариқ» оромгоҳида бўлиб, йигирма тўрт кунда мени қийнаб келаётган ичак касалликлари дардидан фориғ бўлдим. Кунига уч маҳал ердан қайнаб чиқаётган сувдан 200 граммдан ичилади.

Бош шифокор Маҳмуджон Иброҳимов, бўлим мудири Р. Ортиқов, терапевт шифокорлар Дилбар Боғбонова, Сотим Мадаминов, Норзодахон Маҳмудова, Мавлудахон Эназароваларнинг меҳрибонлиги, ўз ишларининг ҳақиқий жонкуярлари, ширинсуханлиги бизларни яйратди, танамиздан дардлар қочди. Чунки бу ерда шифобахш сувдан ичиш, ваннада чўмилишдан ташқари электр токи ва шам билан даволаш юқори савияда олиб борилади. Менга парафин-озекерит муолажалари жуда ёқди. Гапнинг ростини айтсам, бошқа оромгоҳларда ҳам бўлганман, лекин бу жой менга ёқиб қолди.

Ишончим комилки, газета таҳририяти биздай ногиронларга кучқувват бахшида этган оромгоҳ шифокорларига, хизматчиларига қалбимиз ташаккурини етказадилар.

Эргаш ДУВЛОНОВ,
2- гуруҳ ногирони.

„Ўзбекистон овози"га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 8 июнь сонидаги хатлар саҳифасида муштарийларнинг бир қанча мактублари босилган эди. Уларнинг айримлари юзасидан тегишли ташкилотлардан расмий жавоблар олинди. Қуйида шуларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» КОНЦЕРНИ:

«Ўзбекистон почтаси» концерни 1995 йил 8 июнда эълон қилинган «Рамзлардаги маъно» номли танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни хабар қилади:

— «Почта қоидалари»га мувофиқ алоқа корхоналари ва уларнинг фаолият белгиларини акс эттирувчи буюмлари (именные веши) республика Давлат мақомига тўғри келиши лозим.

— «Ўзбекистон почтаси» концерни ташкил бўлишидан бошлаб маълум ишлар қилинган.

— СССР мавжуд бўлган даврдан ҳозирги кунгача алоқа корхоналарига корхона ва унинг фаолият белгиларини аск эттирувчи буюмлари (именные веши) тайёрлаб берадиган ёлғиз корхона Россия Федерацияси Пермь шаҳридаги «Промсвязь» заводидир.

— МДҲ давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг узилиши ва миллий валютанинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги сабабли Россия Федерацияси ҳудудида корхона ва унинг фаолият белгиларини акс эттирувчи буюмлари (именные веши) тайёрлаш учун буюртма беришда маълум қийинчиликлар туғилмоқда.

Шунга қарамай, ушбу буюртмани тайёрлаш бўйича олиб борилаётган иш тугалланиш босқичида турибди.

«Почта СССР» маркали конвертлар почта алоқа корхоналарида, шунингдек, аҳолида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда кўп миқдорда бор бўлганлиги учун, ушбу конвертлар Ўзбекистон Республикаси маркаси ёпиштирилган ҳолда республика ҳудудида ва республикадан ташқари почта жўнатмалари юборилишида ишлатилиши мумкин эканлигини маълум қиламиз.

Раис Р. И. ЗИКИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ:

Ижтимоий таъминот вазирлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1995 йил 8 июндаги сонида босилган «Бу ёғи нима бўлади?» мақоласида келтирилган далилларни атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Вазирликнинг топшириғига биноан Тошкент вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси ва Янгийўл тумани ижтимоий таъминот бошқармаси ва Янгийўл тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари жойга чиқиб мавжуд аҳволни ўргандилар.

Маълум бўлишича, Янгийўл тумани, ГЭС-4, Шўралисой қишлоқ кенгаши Хўжаул алоқа бўлимида яшовчи Гадиева Мунира Саниахметовна 1923 йилда туғилган бўлиб, 1941-1945 йиллардаги меҳнат стажи гувоҳлик кўрсатмасига биноан тасдиқланган. Республика Президентининг 1994 йил 6 майдаги ва 1995 йил 20 апрелдаги Фармонларига асосан фуқароларни «Шуҳрат» ва юбилей медаллари билан тақдирлаш, Президент девонининг 1994 йил 13 декабрдаги Тушунтиришномаси ва 1995 йил 27 апрелда Адлия вазирлигида қайд этилган 137-сонли тартибга асосан амалга оширилади. Мазкур ҳужжатлар талабига кўра, «Шуҳрат» ва юбилей медаллари билан мукофотланувчилар тавсиярўйхатларига 1941-1945 йиллар давомида халқ хўжалигида камида 6 ой меҳнат қилган ва шу меҳнат стажларини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлган кишиларгина киритиладилар. Фуқаро М. Гадиеванинг 1941-1945 йиллар мобайнида меҳнат стажи гувоҳлик кўрсатмасига асосан тасдиқланганлиги сабабли, мукофотланувчилар рўйхатига киритилмаган.

Қўшимча равишда маълум қиламизки, фуқаро М. Гадиева 549 сўм миқдорида қарилик пенсияси олади ва меҳнат фронти қатнашчилари учун яратилган:

— олаётган пенсиясига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча олиш;

— коммунал хизмат тўловларини 30 фоиз чегирма билан тўлаш;

— шифокор рецептига кўра дори-дармонларни 50 фоиз арзонлаштирилган нархда харид қилиш;

— икки йилда бир марта сиҳатгоҳларга бепул йўлланма билан таъминланиш

каби барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга ва фойдаланмоқда.

Вазирнинг биринчи ўринбосари
О. АБДУЛЛАЕВА.

«ДОРИ-ДАРМОН» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ:

Ўзбекистон Республикаси «Дори-дармон» давлат-акционерлик уюшмаси Сизга шуни маълум қиладики, шу йил 8 июнь куни «Ўзбекистон овози» рўзномасининг «Муштарий танқид қилади» рубрикасида чоп этилган «Имтиёздан фойдалана олмаётирман» сарлавҳали мақоласи 23 июнда Тошкент шаҳар «Дори-дармон» ДАБ ходимлари ва Тошкент шаҳар дорихона мудирлари иштирокида муҳокама қилинди ва уруш ногиронларини дори-дармон билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

Бемор Шерматов С. билан учрашиб имтиёзли равишда таъминлаш тартиби ҳақида маълумот берилди ва керак бўлган «Фуродонин» таблеткаси билан таъминланди.

Уюшма раиси
Х. Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ:

Рўзномангизнинг 1995 йил 4 май ва 8 июнь сонларида эълон қилинган Жарқўрғон туманидаги Н. Боймуродов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони З. Нормўминованинг «Қадримга йиғлайман» ва «Натижа чиқармикан» сарлавҳали танқидий мақолалари юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

З. Нормўминованинг оиласида мақолаларда таъкидланганидек 4 нафар эмас, балки 3 нафар ўғли бор. 1990 йилга қадар улар бир ҳовлида, яъни 0,17 га. томорқага эга ҳовлида истиқомат қилишган. Тўнғич ўғли Нурмамат оила қургач, хўжалик томонидан унга алоҳида томорқа учун 0,08 га. ер ажратилган, қўшниси бошқа ерга кўчиб кетгач, у томорқани ҳам Нурмамат қўшиб олди ва 0,16 га. томорқага эга бўлган.

Ҳозир З. Нормўминованинг алоҳида томорқага эга бўлмаган ўғиллари учун жамоа хўжалиги бошқаруви ғалладан бўшаган ердан 0,16 га. ер ажратишга қарор қилган.

Мақолалар муаллифи З. Нормуродова текшириш натижасидан рози бўлди ва ўз миннатдорчилигини билдирди.

Вилоят ҳокими муовини
Ш. БОЛТАЕВ.

Муштарий...

...хабар қилади

ЎЗБЕК ГЕНЕРАЛИ НОМИ БЕРИЛДИ

Фарғона шаҳрининг ҳунар билим лицейига ўзбек генерали Ғуломжон Зокиров номи берилди. 1922 йили Марғилон шаҳрида туғилган Ғуломжон армия сафига чақирилган бир пайтда иккинчи жаҳон уруши бошланди. У қўлига қурол олиб фашист газандаларига қарши курашга отланди. Оғир ярадор бўлиб Ўзбекистонга қайтиб келди. Тузалгач, ички ишлар органларида ишлай бошлади.

Ғуломжон Зокиров Фарғона, Наманган ва Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ички ишлар вазирининг муовини бўлиб хизмат қилди, лекин 1980 йилда бетоб бўлиб вафот этди. Яқинда Фарғона меҳнаткашларининг илтимосига кўра унинг номи янги очилган ҳунар билим лицейига берилди.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

...таклиф этади

ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ

Зомин тоғларига жуда кўп дам олувчилар келади. Лекин улар туман марказидан оромгоҳларгача етиб олишда ғоят қийналадилар.

Уларга ажратилган автобус атиги 10 ўринли. Дуоба, Сарикамар, Еттикечув ва бошқа қишлоқ аҳолиси ҳам шу автобусдан фойдаланадилар. Йўловчи кўплигидан кўпинча оёқ учида туриб кетилади ва асаблари бузилади.

Мутасадди ташкилотлар кўпроқ йўловчига мўлжалланган автобус ажратишда ёрдам берсалар, Зоминга нафақат шифо истаб келганлар, балки маҳаллий аҳолининг ҳам мушкулини енгил қилиб, олқишига сазовор бўларди.

М. ФАЙЗИЕВ,
Зомин тумани.

...арз қилади

ЁРДАМГА ЗОРМИЗ

Биз, Акмал Икромов тумани 21-мавзе 4-уйда яшовчи фуқароларнинг дардини тинглайдиган борми?

Гап шундаки, мана бир неча йилдирки, ертўладаги канализация ва сув тармоқлари қувурлари ёрилган. Қишин-ёзин бунинг оқибати қандай бўлишини тушунарсиз деб ўйлаймиз.Ёзнинг иссиқ кунларида эса юқори қаватларга сув чиқмайди, энг хатарлиси эса ёнғин хавфидир. Қўлбола қайта қуришларимиздан ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти.

Биз бу борада бир неча марта мутасадди идораларга мурожаат қилдик, ёздик, фойдаси бўлмади. Трестда ҳам қувурлар тарқатиш вақтида бизнинг уй рўйҳатда бўлмаган. Ахир саккиз подъездли ва қарийб ҳар бир хонадонда ёш болалари бўлган мазкур уйнинг бу ҳолатда туриши ўзи жиноят-ку!

Ертўладаги аҳволнинг самараси ўлароқ, уйларда ўтириб бўлмайди, чивинлар босган, ҳаво айниган, телефон симлари ишдан чиқиб, яшашнинг имконинида тополмаяпмиз. Ёрдамингизга зормиз!

Қаҳрамон ДАДАБОЕВ (26-хонадон)
Роза ТЕМУРБЎЛАТОВА (27-хонадон)
ва бошқалар. Жами 96 имзо.

... савол беради

БИЛИШНИ ИСТАРДИК

Хўжалигимиз «давлат хўжалиги» бўлган пайтда ҳам 13. 000 бош майда мол боқиларди. Бу молларга 6 ветеринария ходими, 7 зоотехник хизмат қилар эдик. Ҳозир ҳам деҳқон-хўжалик уюшмамизда 13.000 дан зиёд майда мол, 6 та фермер хўжаликда 130 бош қорамол бор.

Қўйчилик отарларимиз 30-50 километр узоқликда жойлашган.

Ҳозир уюшмада чорва молларига 2 зоотехник, 2 ветеринар хизмат қилаётир. Сунъий уруғлантириш, жун қирқими, қўзилатиш мавсуми даврида қийинчилик туғилмоқда. Айниқса, жониворларни юқумли касалликларга қарши даволаш ишлари қийин бўлаётир.

Аслида бизларнинг деҳқон хўжалиги уюшмамизга неча зооветеринар-мутахассис хизмат қилиши керак? Ушбу саволимизга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ветеринария бош бошқармаси мутахассисларининг фикрини билишни истардик.

Яллабой НУРИДДИНОВ
Пайариқ туманидаги «Халқобод» деҳқон хўжалиги уюшмасининг бош зоотехниги.

...танқид қилади

МУАММОЛАР ТИНКАНИ ҚУРИТМОҚДА

Мен ушбу хатни газетага ёзишимдан мақсад, зора қишлоқдошларимга, бироз бўлсада, ёрдамим тегармикан, деган илинждаман.

Ҳурматли таҳририят! Қишлоғимизга газ қувурлари тортила бошланганлигига анча бўлаётган бўлса-да, ҳамон ундан фойдаланмаётирмиз. Натижада газ қувурлари ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Ичимлик суви муаммоси ҳам тинкани қуритди. Кўп ҳолларда ичимлик суви учун қишлоғимизда жанжал чиқади. Сабаб, сув ярим аҳолига етади: бир томонга чиқса, албатта иккинчи томонда бўлмайди-да!

Автобус қатнови ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Сирдарё шаҳридан атиги 8 километр узоқликда жойлашганлигимизни ҳисобга олсак, бу ҳолат ҳам кулгилидир.

Кўпчилик шу боисдан бозорга ёки бирон иш юзасидан пиёда юришга мажбур. Одамлар қимматли вақтларини йўқотмоқда.

Муҳаммадбашир УЛУҒМУРОТОВ,
Сирдарё тумани, «Ғазора» қишлоғи.

ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА







Россия Федерациясининг Бош вазири Виктор Черномирдиннинг
Ўзбекистонга расмий ташрифи муносабати билан
"Ўзбекистон темир йўллари" *давлат - акционерлик темир йўл компаниясининг улкан меҳнат жамоаси*
ўзининг муборакбод саломини йўллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Россия Бош вазири В.Черномирдиннинг учрашувлари икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг янада ривожланишига қулай имкониятлар очиб беради.

"Ўзбекистон темир йўллари" компанияси икки томонлама фойдали алоқаларнинг самарали рўёбга чиқиши борасида ўзининг ғайрат-шижоатини аямайди.

Собиқ Иттифоқнинг ягона темир йўл таркибига кирган Ўзбекистон темир йўллари ҳозирда ҳам техник ва технологик жиҳатдан Россия ва МДҲ мамлакатлари темир йўллари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бизда темир йўллардан фойдаланишнинг ягона техник қоидасига амал қилинмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат - акционерлик темир йўл компанияси жамоаси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, тармоқда ислоҳотларни амалга ошириш борасида дадил қадам ташламоқда.

Дил изҳори

МУНАВВАР ҚАЛБ ҚАҲҚАҲАСИ

Агар қалам аҳли орасида Фарғона ҳақида гап кетса ёки Фарғона сўзи тилга олинса, кўз олдимизга дастлаб Йўлдош Сулаймоннинг кулиб турган нурли чеҳраси келади. Таниқли адиб Ўткир Ҳошимов: «Фарғона — бу Йўлдош Сулаймон... Фарғоналиклар айниқса маънавият, маърифат, маданият кишилари Йўлдош Сулаймондан руҳланиб, қадларини баланд тутиб, астойдил фахрланишади», деб бежиз ёзмаган. Чиндан ҳам Йўлдош Сулаймон ҳар қанча фахрланса, арзийдиган инсон ва ижодкор.

Шу кунларда ўзининг 60 ёшини шодмон нишонлаётган Йўлдош Сулаймон ибрат бўладиган ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Унинг «Ҳамма ҳавас қилади», «Раҳима-чи, ваҳимачи», «Мен отамни ўйласам», «Қуёшли кун», «Менинг биринчи муаллимим», «Фарғонанома», «Қўқоннома», «Гулнома» сингари шеърий тўпламлари, «Даъватингни эшитяпман, ҳаёт», «Катта йўлга чиққунча», «Болалар қалби», «Сен менинг қуёшимсан» каби публицистик китоблари, «Муҳаббат», «Авлодлар» қиссалари ва «Субҳидам», «Вафо» романлари аллақачон кўп минг сонли китобхонларнинг маънавий мулкига айланган. Йўлош Сулаймоннинг серқирра ва сермазмун ижоди ҳақида адабиётчилар, танқидчилар, қаламкаш устозлари ва дўстлари ажойиб мақолалар ёзишган.

Унинг тўйи Фарғонада ҳақиқий байрамга айланди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ибораси билан айтганда, бу тўй Йўлдош Сулаймон кунларига, маънавий ва маърифий учрашувларга айланиб кетди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ижодкорнинг таваллуди катта тантана билан нишонланди. Тўй ҳақиқий шеърият сайлига, мухлисларнинг самимий қаҳқаҳасига уланиб кетди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтган катта тантана эса унинг иштирокчилари қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Йиғилишни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов олиб борди. У киши Йўлдош Сулаймон нафақат Фарғонанинг, балки Ўзбекистоннинг ёрқин талантларидан, фидойи ва зукко инсонлардан бири эканлигини мамнуният билан таъкидлади. Вилоятнинг сўнгги чорак асрдаги маданий ривожида Йўлдош Сулаймоннинг улкан ҳиссаси борлиги жонли мисолларда айтиб ўтди.

Фарғона вилоят ҳокими Мирзажон Исломов табрик нутқи сўзлади ва Йўлдош Сулаймон ижоди ҳақида қизиқарли маъруза қилди. Сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов: «Йўлдош Сулаймоннинг қалби Фарғона боғларидай гўзал, сувларидай тиниқ, одамлари каби самимий. У қаҳрамонлари билан яшаб, қаҳрамонлари билан нафас олади. Мен уни ижодкор ва инсон сифатида бетакрор мунаввар қалб эгаси дегим келади», — деди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад: «Фарғонага Йўлдош Сулаймон борлиги учун келаман. Унинг ичакузди қаҳқаҳасини яхши кўраман ва тез-тез соғинаман. Ундаги самимиятдан ҳайратланаман», деб у билан боғлиқ кулгили ҳангомалардан сўзлаб берди.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом ҳам ўз шогирдлари шаънига самимий дил сўзларини айтдилар. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева табрик сўзида Йўлдош Сулаймоннинг жон фидо ижодкорлигини, Фарғона вилоят ёш талантларига кўрсатаётган катта ғамхўрлигини, сахийқалб устозлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, уни дўстлари, мухлислари қутлуғ ёши билан чин дилдан муборакбод этдилар. Тўй тантаналари Шоҳимардонда — шеърият сайлига уланиб кетди.

Ҳар бир инсон сирли хилқат. Унинг қалбида ноёб мўъжизалар яширинган бўлади. Баъзан инсонни бир умр ёнида юриб, ҳамсуҳбат бўлиб, кашф этолмаслик мумкин. Лекин у билан бир бора учрашган, суҳбатлашган киши уни дарҳол кашф этади. Чунки унинг қалби юзига, кўзига ва сўзларига кўчган. У дунёни покиза ва ҳалол юраги билан кўрадиган инсон. Умрини одамларга яхшилик қилиш учун бахшида этган. Шоир бир шеърида шундай дейди:

Дардим сиғмас дунёга,
Сиғмай қолдим ўзим ҳам...

Бу дард — Ватан дарди, одамларга бўлган самимий муҳаббат дарди. Юрагида Ватан, Миллат, Адабиёт дарди бўлган ижодкор ҳеч қачон дунёга сиғмайди. Дунёга сиға билмаслик — бахт.

— Мени ҳамиша ардоқлаган, эъзозлаган, кичик хизматларимни юксак қадрлаган халқимга, Фарғонамга таъзим қиламан. Шу ажойиб халқнинг, шу гўзал Ватаннинг ҳақиқий қулиман. Умрим бор экан, мустақил Ўзбекистонга хизмат қилишдан асло чарчамайман, — дейди Йўлдош Сулаймон вулқондай жўшиб.

Унинг бу юрак сўзлари самимийлигига ишонамиз. Ва чин дилдан ният қиламизки: Йўлдош ака ҳамиша соғ-саломат бўлсин, мунаввар қалбидаги мунаввар қаҳқаҳа асло сўнмасин. Йўлдош ака, гўзал Фарғонанинг дилбар ва фидойи ижодкори деган юксак шарафингизга ҳеч маҳал гард юқмасин.

Ашурали ЖЎРАЕВ.

Спорт

Оғир атлетика

ЎҚУВЧИНИНГ РЕКОРДИ

• Полвонларимиз Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Полвонлардан Игорь Халилов даст кўтаришда 180, силтаб кўтаришда 227 килограммлик натижа билан икки кураш бўйича кумуш медаль соҳиби бўлди. Унинг жамоадоши Абдуқаҳҳор Синдоров эса 310 килограмм натижа билан ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди. Александ Уринов (370 кг) мусобақанинг бронза медалини қўлга киритди. Нодир Сулаймонов даст кўтаришда 140 килограммлик натижа билан учинчи ўринни эгаллади. Юқори синф ўқувчиси Улуғбек Маҳмудовнинг чиқишлари таҳсинга лойиқ бўлди. У 307 кг. натижа кўрсатиб, ёшлар ўртасида мамлакат рекордини янгилади.

Футбол

ДИНАМОЧИЛАР ОЛДИНДА

• Биринчи лига футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг 17-тур ўйинларини ўтказишди.

Биринчи гуруҳ вакили — Урганч динамочилари мухлисларни қувонтирмоқда. Улар навбатдаги учрашувни иккинчи ўринни эгаллаб турган «Зарафшон» жамоаси билан ўтказиб (1:0), жами ғалабаларини 11 тага етказишди. Ҳозир динамочилар 36 очко билан олдинда боришмоқда. «Зарафшон»да 29 очко бор. Иккинчи гуруҳ жамоалари ўртасида ягона пешқадамлик учун кураш «Ғазалкент» ва «Кушон» жамоалари ўртасида давом этмоқда. Ҳар икки жамоа яна биттадан ғалабага эришиб, очколарини 34 ва 33 тага етказиб олди. «Кушон» футболчилари «Норин» майдонида, «Ғазалкент» эса ўз майдонида «Бағдодчи» устидан бир хил — 1:0 ҳисобида устун келишди.

"МАРҒУБА ИНТЕРНЕШНЛ"
қўшма корхонаси

Россия резинотехника саноатининг йирик корхонаси — "Курскрезинотехника" акционерлик бирлашмасининг расмий дилери ҳамда Ўзбекистон Республикаси бозорига резинотехника маҳсулотларини етказиб берувчи вакили ҳисобланади.

"Курскрезинотехника" акционерлик бирлашмасининг қуйидаги маҳсулотларини

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

— резина матоли конвейер тасмаси, узунлиги 95 м.гача, 3-5 қатламли;

— резина тросли конвейер тасмаси, узунлиги 300 м.гача;

—юқори босимли енглик (шланг), айланаси 10, 12, 16, 20 мм, узунлиги 150 м.гача, иш пайтидаги босими 28-16 МПа;

— ип ва металл спираль билан мустаҳкамланган енглик, шу жумладан, тракторлар, буғ ўтказиш, нефть ва бурғилаш ишларида фойдаланишга мўлжалланган енгликлар, айланаси 6 мм.дан 300 мм. гача, узунлиги 10, 20, 100 м; иш пайтидаги босими 4 МПа гача;

— А, Б, В, Г профилли (клиновий) узатиш тасмалари, узунлиги 630 мм. дан 4500 мм.гача.

— ясси узатиш тасмалари, узунлиги 23 м.гача;

— қуйма резинотехника буюмлари, шу жумладан, манжетлар, сальниклар, прокладкалар, зичлагичлар;

— рўзғорга мўлжалланган буюмлар.

Нархлар шартнома асосида.
Ҳақ тўлаш шакли — турлича.
1995 — 1996 йиллар учун буюртмалар тузамиз.
Бизнинг манзил: 700025, Тошкент,
А. Қаҳҳор кўчаси, 48-"А" уй.
Алоқа учун телефон: **(3712) 54-06-11.**
Факс: **54-54-71.**

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Андижон шаҳрида республика «Ҳамшира-95» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва қатор вилоятлардан келган 15 нафар тиббиёт ҳамшираси касб-маҳорати, бадиий қобилияти, назарий билими, амалий машғулот, ижодий мулоқот ва эркин мавзулар бўйича куч синашдилар. Беллашув иштирокчилари ўзларининг ҳозиржавоб, зукколикларини намойиш этдилар. Бешта шарт бўйича давом этган баҳсларда Тошкент вилояти Оҳангарон тумани марказий шифохонасининг ҳамшираси Санобар Абдурасулова ғолиб деб топилди. 2-ўринни Г. Раҳматуллаева, 3-ўринни эса наманганлик Н. Мамажонова эгалладилар.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар, Исроил давлатига бепул йўлланма топширилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0286.

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11;
Бухорода -- 3-54-87;
Гулистонда -- 2-26-22;
Жиззахда -- 3-31-86;
Навоийда -- 3-75-43;
Наманганда --6-43-43;
Нукусда -- 7-58-83;
Самарқандда -- 35-22-90;
Тошкентда-- 33-54-55;
Урганчда -- 6-51-35;
Фарғонада -- 26-37-16;
Қаршида -- 3-25-79;
Қўрғонтепада -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.